

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КАФЕДРА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ПЕДАГОГИКИ**



*Сборник научных трудов Международной  
научно-практической конференции*

**«ЦИФРОВИЗАЦИЯ В ОБУЧЕНИИ ГУМАНИТАРНЫХ ДИСЦИПЛИН В  
МЕДИЦИНСКОМ ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ»**

**ТГСИ, 5 марта 2022 года**

**Ташкент - 2022**

**УДК: 009-37:004-378.14:61**

**ББК 6/8- 66.4(0)6-94**

**Ц-75**

Конференция состоялась 5 марта 2022 года на базе Ташкентского государственного стоматологического института по адресу: Республика Узбекистан, 100047, г. Ташкент, ул. Махтумкули, 103.

*Цель конференции – знакомство и обмен опытом в обучении и в работе с цифровыми данными, технологиями их применения в гуманитарных исследованиях, современными цифровыми исследовательскими инструментами в гуманитарных науках.*

**Основные направления конференции:**

- Современные цифровые методы и технологии обучения гуманитарных дисциплин.
- Современные инструменты работы с цифровыми данными в гуманитарных исследованиях

**По результатам работы конференции всем участникам выдан сертификат.**

Отобранные материалы опубликованы в виде сборника научных трудов научно-практической конференции «*Цифровизация в обучении гуманитарных дисциплин в медицинском высшем образовании*».

Электронная версия сборника будет размещена на официальном сайте Ташкентского государственного стоматологического института.

**Ответственные за выпуск:**

*Акрамова Лола Юнусовна, завкафедрой Узбекского языка и педагогики ТГСИ, доцент. Телеграмм: 90 - 3579575.*

*Ниязова Насиба Журабековна, доцент кафедры узбекского языка и педагогики ТГСИ.*

*Парниева Малика Салохутдиновна. e-mail: malikaarpriyeva71@gmail.com*

*Авторы статей и тезисов несут ответственность за содержание и грамотность предоставляемых материалов.*

<b>74.</b>	<b>Сирожиддинова Ф. Х. РАҲБАР БОШҚАРУВИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ОМИЛЛАРИ</b>	326
<b>75.</b>	<b>Ходжакурова Д. И., Нигматуллаева Д.Ш. ДУХОВНО-ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ КАЧЕСТВА СПЕЦИАЛИСТОВ, ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ЭТИКИ И КУЛЬТУРЫ</b>	331
<b>76.</b>	<b>Имомова Н. А. ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.</b>	336
<b>77.</b>	<b>Sharipova N.E. TILLARDA PAREMIOLOGIK VA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING O'ZARO MUTANOSIBLIGI</b>	341
<b>78.</b>	<b>Raxmanova M. Q., Маъмурбоев Д. МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNI AXLOQIY TARBIYALASHDA OILAVIY MAROSIMLARNING O'RNI</b>	346
<b>79.</b>	<b>Tuychiyev S. A. CLINICAL AND EPIDEMIOLIGICAL FEATURES OF COMPLEX DISEASES IN SELF TREATMENT</b>	349
<b>80.</b>	<b>Raxmanova M. Q., Абдукаюмова З. FARZAND TARBIYASIDA OILANINGO'RNI</b>	356
<b>81.</b>	<b>Кулдашева Г. Д.ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ТУЙГУСИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	360
<b>82.</b>	<b>Сафарова У. А. ПРОЦЕССЫ ОБРАЗОВАНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОНТАМИНАЦИИ НА МАТЕРИАЛЕ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА</b>	364
<b>83.</b>	<b>Сатвалдиев А.А. РИВОЖЛАНГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРНИ</b>	368
<b>84.</b>	<b>Sherbekova Y. Z., Irgashbekova N. R. THE IMPORTANCE OF TEACHING PHRASAL VERBS IN ENGLISH</b>	373
<b>85.</b>	<b>Шодикулова А.З. МАТНДА КОГЕЗИЯ ХОДИСАСИ</b>	377
<b>86.</b>	<b>Mukhitdinzoda R. COMPARISON OF MAIN VARIETY IN ENGLISH</b>	380
<b>87.</b>	<b>Умирзакова Н.А. БИОЭТИКА И ЕЁ РОЛЬ В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВУЗОВ</b>	382
<b>88.</b>	<b>Rakhmatova S. SEAN O'CASEY'S WORKS IN IRISH DRAMATURGY</b>	388
<b>89.</b>	<b>Daminova M. I., Sharipov B.S. STOMATOLOGIYA SOHASIDA QO'LLANILADIGAN LOTINCHA TERMINLAR VA ULARNING TARJIMASI</b>	390

# **РИВОЖЛАНГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРНИ**

**Сатвалдиев Азизжон Аҳмаджонович,**

**АндМИ “Гуманитар фанлар”**

**кафедраси катта ўқитувчиси**

**Аннотация:** ушбу мақолада кичик оилавий бизнесни ривожлантириш, ўз бизнесига эга бўлган оиладаги интилиш, ривожланган бозор иқтисодиётидаги оилавий фирмалар, жамият фаровонлиги ва ривожланишининг асосини ташкил қилиши, ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар борасида фикр ва мулоҳазалар билдирилган

**Аннотация:** В данной статье представлены идеи и отзывы о развитии малого семейного бизнеса, емлении семьи владеть собственным бизнесом, семейных фирмах в условиях развитой рыночной экономики, основах благосостояния и развития общества, производимых товарах и услугах

**Annotation:** This article presents ideas and feedback on the development of a small family business, the desire of the family to own their own business, family firms in a developed market economy, the foundations of welfare and development of society, goods and services produced

**Калит сўзлар:** кичик оилавий бизнес, бозор иқтисодиёти, фирмалар, тадбиркорлик, самарадорлик, маркетинг, иқтисодий фаолият

**Ключевые слова:** малый семейный бизнес, рыночная экономика, фирмы, предпринимательство, эффективность, маркетинг, хозяйственная деятельность.

**Key words:** small family business, market economy, firms, entrepreneurship, efficiency, marketing, economic activity.

Кичик оилавий бизнес-тадбиркорлик фаолиятининг дунёда энг кенг тарқалган ва кўп асрлик анъаналарга таянувчи шаклидир. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда оилавий фирмалар, жамият фаровонлиги ва ривожланишининг асосини ташкил қиласи, ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг каттагина қисми унинг з иммасига тўғри келади. Шу билан бирга кичик оилавий бизнесни ривожлантириш мамлакат учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳаттоқи у кичик бўлсада, ўз бизнесига эга

бўлган оилада интилгани мақсад, фарзандларини ўстиргани сабаб, мерос қилиб қолдиргани нарса мавжуд бўлади. Шундай қилиб мамлекатда аста секинлик билан ўзи учун ишлай олувчи ва шу билан бир вақтда давлатга ҳам салмоқли даромад келтириувчи мулкдорларнинг ўрта синфи шаклланади. Ўрта синф – жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асоси.

Ўзбекистон Республикаси”Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунининг кучга киритилиши (Конун 2012 йилнинг 24- апрелидан бошлаб кучга кирди) мамлакатимиизда кичик оилавий бизнес ривожлантириш учун хуқуқий асосини яратди.

Оила хонадонда эр-хотин ва болаларнинг манфаатини уйғунлаштиради, уларнинг саъй-харакатига умумий йўналиш беради. Шу боис рўзгор юритишнинг бир катор тамойиллари борки, уларга риоя қилиш керак бўлади.

Биринчи тамойил - оиланинг хатти-харакати барча оила аъзолари талаб эҳтиёжини қондиришга бўйсуниши талаб қилинади.

Иккинчи тамойил - оиланинг иқтисодий фаолиятига оид қарори демократик асосда қабул қилиниши керак. Агар бу қарор оиланинг айрим аъзоси томонидан қабул қилиниб ижро этилса, у холда хам бошқа оила аъзоларининг манфаатларини кафолатлаши талаб қилинади.

Учинчи тамойил - оила иқтисодий рационализм қоидасига риоя этиши керак, яъни оила ўз фаровонлигини оширишнинг энг нафли йўлидан бориши керак.

Туртинчи тамойил - алтернатив (мукобил) танлов қоидасига амал қилиш керак. Оиланинг эҳтиёжи кўп бўлади, лекин унинг топган даромади чекланган холда бўлиб, хамма эҳтиёжларни қондиришга етмайди. Шу боис, эҳтиёжларнинг энг зарури танлаб олиниши ва улар кам сарф билан қондирилиши лозим булади.

Бешинчи тамойил - иктиносий компромисс (муросага келиш) қоидасига амал қилиш. Бунда оила аъзолари оила фаровонлигини ошириш учун ким нима иш қилиши, кимнинг индивидуал эҳтиёжини қачон қондириш ҳақида бир қарорга келиши ва уни ҳамжиҳатлик билан амалга ошириши талаб қилинади. Оиладаги компромиссни уйнинг ёши улуғлари (ота, она, қайнота, қайнона, ака, опалар) хал этиши мумкин.

Олтинчи тамойил - оила даромадлари ва харажатларини режалаштириш, уларнинг бир-бирига мувофикалигини таъминлаб, оила бюджетидаги камомадга йўл қўймаслик. Ушбу тамойиллар оиланинг аҳл ва баркамол бўлишини, оила турмушини муттасил яхши бўлишини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислохотлар ва иктисодиётни барқарор юқори суръатларда ривожлантириш натижасида ахоли турмуш даражаси муттасил ошиб, оиласарнинг иктисодий асослари янада мустахкамланиб бормоқда. Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон иктисодиёти 4,1 баробарга ўсди. Ахоли жон бошига нисбатан усиш 3 баробардан зиёдни ташкил этди. Бунинг оқибатида аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошиди. Бугунги кунда ҳар учта оиласарнинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Хар 100 та оиласа ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машиналари, чангютғич, микротўлқинли печ, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда. Аҳолининг истеъмол харажатлари 2013 йилда 2000 йилга нисбатан 9,5 баробар ошиди. Сўнгги йилларда ахоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳҳим озик-овкат ма^сулотлари буйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли 1,4 марта, сут - 1,3 марта, сабзавот ва полиз маҳсулотлари - 2,6 марта, мевалар истеъмо-ли 6,4 марта ошиди.

Ўзбекистонда ахоли даромадлари ва турмуш даражасининг муттасил ўсиб, оиласар иктисодий асосларининг мустахкамланиб боришида мамлакатимизда юқори ва мутаносиб иктисодий ўсишнинг таъминланганлиги, ишбилармонлик-бизнес юритиш учун амалий қулай шароитнинг яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва ахоли бандлиги, уй-жойлар куриш ва ахоли пунктларини ободонлаштириш, таълимтарбия ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар муҳим омиллар бўлиб хизмат қилмоқда.

Оила ўз мақомига кўра бозор иктисодиёти шароитида иктисодий фаолият соҳаларида турлича иштирок этади. Ишлаб чиқариш билан бевосита ўз номидан шуғулланувчи оиласар борки, улар оиласа якка тартибда ишловчилар, оилавий дехкон ва фермер хўжаликлари, кичик оилавий фирмалар, хунарманҷилик корхоналаридан иборатdir. Айни вақтда шундай оиласар хам борки, уларнинг вакиллари турли фирма, корхона ва хўжаликларда ёлланган ходим сифатида ишлаб чиқаришда қатнашадилар, шу билан бирга майда тижорат билан хам шуғулланадилар. Яна бир тоифа оиласар борки, улар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришда ва ўз хўжалигига меҳнат қилиб пул топадилар. Масалан, турли корхоналарда меҳнат билан банд бўлган ишчилар ўз ёрдамчи (туморка, дехкон) хўжаликларида хам меҳнат қиласадилар.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хуқуқий-меърий Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар атегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруза. // "Халк сузи", 2014 йил 18 январь асосларининг яратилганлиги учун хам тадбиркорликнинг ушбу шакли кенг ривож топмоқда. Бунинг натижасида оилалар даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромад-ларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Холбуки, Мустакил Давлатлар Хамдустлиги мамлакатларида бу курсаткич уртacha 20-25 фоиздан ошмайди.

Оилавий тадбиркорликнинг ахамияти катта. Биринчидан, у ахоли учун зарур булган махсулот ва хизматларни яратади, иккин-чидан, оиладаги ишчи кучини меҳнат билан банд этиб, оиласага уз-узини даромад билан таъминлаш имконини яратади. Оилавий тадбиркорликнинг бир катор афзалликлари борки, булар уни ракобатбардош килади:

- 1) оилавий тадбиркорлик кичик булгани сабабли катта капитал талаб қилмайди, уни бошлаш учун пул топиш енгил булади;
- 2) оилавий тадбиркорлик оиланинг ихтиёридаги кўчмас мулкка таянади, у уйда юритилгани учун капитал қурилиш ёки жойи ижарага олишни талаб қилмайди;
- 3) оилавий тадбиркорлик оммавий истеъмол учун эмас, балки махаллий бозордаги сайланган истеъмолчилар учун ишлайди. Унинг бозори кичик булгани учун рақобатга кам йўлиқади;
- 4) оилавий тадбиркорлик кўпроқ қўл меҳнатини талаб қилувчи махсулот ва хизматларни арzon ишлаб чиқаришга мосланади;
- 5) оилавий тадбиркорлик оиладаги бекор турган меҳнат захираларига таянади, яъни бекалар, болалар ва қариялар кўмагида юритилади, натижада иш кучи ёллаш зарурияти камаяди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2012 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари хажми 5 трлн 346 млрд сўмни (2011 йилга нисбатан 130%) ташкил этди, шу жумладан: 48,5 млрд сўм касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш ҳамда олинган

замонавий билим ва кўникмаларни амалиётга татбик этиш учун; 80,1 млрд сўм - ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун; 618,0 млрд сўм - хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик субъектлари учун; 491,7 млрд сўм - аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги "Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши оилада соғлом муҳитни, унинг иктисадий ва маънавий-аҳлокий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга молик бўлди. Мазкур дастурда оилада меҳроқибат ва ўзаро хурмат муҳити, юксак аҳлокий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қуллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза килиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-кизларнинг ўз иқтидорларини руёбга чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Эндиликда, оиланинг ижтимоий-иктисадий асосларини янада мустаҳкамлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- иқтисадиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни изчил давом эттириш негизида барқарор иқтисадий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириб бориш;

оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оила қуришга тайёрлаш учун ўрта умумтаълим мактабларининг юкори синфларида ҳамда ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларида оиласига йигит ва қизларни босқичма-босқич тайёрлашга йуналтирилган маҳсус қкув ва факультатив курсларни жорий этиш;

- оила иқтисадиёти, уй хўжалиги, оила молияси ва рўзғор юритиши асосларига бағишлиланган мавзуларни ўрта умумтаълим мактабларида ўқитиладиган иқтисадий билим асослари фанлари ўкув режаларига киритиш, ушбу фанлар бўйича дарсликларни улар хисобига такомиллаштириш; иқтисадиёт йуналашибди олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида "Микроиктисадиёт" фани доирасида "Оила ёки хонадон иқтисадиёти", "Оилавий тадбиркорлик", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш" каби маҳсус ўкув курсларини ўқитишни йўлга қўйиш шахар ва туманларда никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит ва қизлар учун "Оила-рўзғор юритиши асослари" бўйича маҳсус қисқа муддатли ўкув курсларини ташкил этиш;

- никох тўй маросимларини ихчамлаштириш ва окилоналаштириш ҳисобига ёш оиланинг дастлабки мол-мулки ва сармоясини шакллантиришда йигит ва қиз ота-оналарининг ўзаро келишув асосида баҳоликудрат иштирок этишлари;

- ёшлар фаолият қиласидан ташкилот ва корхоналардаги меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик тизимлари ривожланиб боргани сайин уларнинг ёш оилаларни моддий жихатдан қўллаб-кувватлашдаги иштирокларини кенгайтириб бориш.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, республикамизда оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш ва "Соғлом она - соғлом бола" дастурларини амалга ошириш борасида тўплланган тажрибалардан келиб чиқсан холда, "Соғлом ва масъулиятли ота - мустаҳкам оила ва соғлом бола кафолати" тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. –Б.32.
2. Китов А.И. Экономическая психология. – М.: Экономика, 1987. – С.303.
3. Бурханова Л.М. Доверительное управление как институт обязательственного права: особенности национального регулирования на примере гражданского законодательства Республики Узбекистан //Ex jure. – 2019. – №. 4. – С. 34-52.
4. Ниязова Н., Ардатова Е., Сойипов Х. Обучение языкам как основа развития юридической науки и образования // Общество и инновации. - 2021. – Т. 2. - №. 2. - С. 137-143. <https://orcid.org/0000-0002-6276-5178>.
5. Xalmuratova, M. T. (2021). ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF DISTANCE LEARNING FOR LANGUAGES IN MEDICAL UNIVERSITIES IN A PANDEMIC SITUATION. PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology, 18(4), 3965-3969.
6. Абдурахмонов Қ.Х., Холмуминов Ш.Р. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. — Тошкент.: ТДИУ, 2004. – Б. 18. (-208 б.)

## **THE IMPORTANCE OF TEACHING PHRASAL VERBS IN ENGLISH**

**Sherbekova Yulduz Zokir qizi,**

Samarkand state medical institute, Department of languages, English teacher  
yulduz.sherbekova@mail.ru

**Irgashbekova Nigora Rustamovna,**